Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 24 (413) ● 2013 йил 18 июнь

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.*

### ҲАР БИР ОБЪЕКТГА АЛОҲИДА ЁНДАШУВ

**Вазирлар Маҳкамасининг 30.05.2013 йилдаги 150-сон қарори билан Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** У Президентнинг «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини *(18.07.2012 йилдаги ПФ-4455-сон)* бажариш юзасидан қабул қилинди.

Низомда қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни беришда, шу жумладан дастлабки-рухсат берувчи ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашда тартиботларни амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда қурилаётган объектларни уларнинг ўлчамлари ва тавсифлари бўйича тоифалаштиришни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашув тартиби белгиланган.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техникавий тартибга солишнинг норматив ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг сифати ва тўлиқлиги юзасидан назоратнинг амалга оширилганлиги учун «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларига ажратмалар қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг (ҚҚСдан ташқари):

0,08 фоизи миқдорида — янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича;

0,05 фоизи миқдорида — мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича;

б) бошқа объектлар бўйича — лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг:

0,01 фоизи миқдорида — мураккабликнинг I тоифасидаги объектлар бўйича;

0,02 фоизи миқдорида — мураккабликнинг II-III тоифасидаги объектлар бўйича;

0,03 фоизи миқдорида — мураккабликнинг IV-V тоифасидаги объектлар бўйича.

Смета ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган тақдирда ажратмалар суммаси илгари рўйхатдан ўтказилган объектлардаги каби белгиланади.



### ҚУРИЛИШГА РУХСАТНОМА ЯНГИЧА БЕРИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 4.06.2013 йилдаги 154-сон қарори билан Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга оширишда ахборот тизимининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом *(бундан кейин – Низом)* ҳамда Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш гуруҳи тўғрисидаги Намунавий низом *(бундан кейин – Намунавий низом)* тасдиқланди.**

Низом билан **ер участкаларини танлаш материалларини ваколатли ташкилотлар билан келишиш ва рухсатномалар беришни** телекоммуникация воситалари орқали **электрон ҳужжат тарзида** амалга ошириш имконияти берилди, бунда мазкур таомилни қоғозли ҳужжатлар ёрдамида амалга ошириш имконияти ҳам сақланди.

**Юридик ва жисмоний шахслар қурилиш учун рухсат олиш ўз хоҳишига кўра ҳужжатларни телекоммуникация каналлари орқали электрон шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга.** Бунинг учун улар Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясига *(бундан кейин – Инспекция)* «Давархитектқурилиш» қўмитаси расмий веб-сайтининг ўз персонал кабинети орқали назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади.

Инспекция уларга электрон ҳужжатларни олганлиги ҳақида электрон рақамли имзоланган тасдиқномани юборади, уларни ўз электрон архивида сақлайди, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган электрон ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. У **1 кун мобайнида** объектни **бепул** рўйхатдан ўтказади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш-монтаж ишларини бажаришга қурилишнинг бутун муддати учун **қоғозли манбада ёки буюртмачининг хоҳишига кўра электрон тарзда рухсатнома** беради.

Ҳужжатда қурилиш объектини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун сабаблар рўйхати ҳам назарда тутилган. Аниқланган камчиликлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан бартараф этилгандан кейин улар такрорий мурожаат қилишган тақдирда қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш 1 иш куни мобайнида амалга оширилади. Бунда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рўйхатдан ўтказишнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

Қарор билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга *(ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган)* ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Мазкур Низомнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишга оид қисми давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризада фаолиятнинг асосий тури сифатида фаолиятнинг лицензияланадиган турини кўрсатган тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади *(илгари ушбу Низом давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш ва объект қурилишига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига; давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда туман (шаҳар) ҳокимининг газ ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартлар олиш учун янги қурилишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этган тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилар эди).*

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш муддати 10 кундан 6 кунга қисқартирилди. Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) 9 иш кунидан ошмайдиган муддатда архитектура-режалаштириш топшириғи (I ва II қисмлар) ишлаб чиқилишини таъминлайди. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш архитектура ва қурилиш назорати инспекциялари томонидан 2 иш куни ўрнига 1 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши белгиланди. Лойиҳани экспертизадан ўтказганлик учун ЭКИҲнинг 3 баравари ўрнига 2 бараваридан ортиқ бўлмаган тўлов ундирилади. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объектни реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш муддати 18 кундан 9 кунга, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш муддати эса 18 кундан 6 кунга қисқартирилди.

Ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорини олиш тартиби ва унга бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилочи меъёрлар ўз кучини йўқотди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилиши олиб борилаётган объектларда қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тўлиқ бажарилиши юзасидан назорат функцияларининг амалга оширилиши учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нархларда ҳақ тўланади *(илгари шартнома асосида, бироқ қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,03 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳақ тўланар эди, смета ҳисоб-китоби бўлмаганда эса, аввал рўйхатга олинган шунга ўхшаш объектлар сингари ҳақ тўланар эди).*

Ер участкаси чегараларини натурага кўчириш ва назорат-ижро режага олиш ишларини амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрлар ўз кучини йўқотди.



### ДАВЛАТ УЛУШИ МАРКАЗЛАШТИРИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори *(11.06.2013 йилдаги 165-сон)* билан Марказнинг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 нафар бўлган тузилмаси ҳамда у тўғрисидаги Низом тасдиқланди.**

Давлат рақобат қўмитаси тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ Марказга акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетларини ҳамда масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондларидаги давлат улушларини тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериши вазифаси топширилди.

Ваколатли вазирликлар ва идораларга йиғимлар ва бошқа тўловларни ундирмасдан автотранспорт воситалари, кўчмас мулкка кадастр ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилишини, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Марказга ўтадиган «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонаси қайта ташкил этилиши муносабати билан хўжалик юритувчи жамиятларнинг таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилди. Унинг ҳисобрақамидаги пул маблағлари қолдиғи тўлиқ ҳажмда Марказ ҳисобрақамига ўтказилади. Марказ давлат активларини бошқариш бўйича ўз фаолиятида давлат номидан иш кўради. Акцияларнинг давлат пакетларини ва улушларини Марказга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек уларнинг кейинчалик Марказ томонидан ишончли бошқарувга берилиши баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳоланмасдан амалга оширилади.

Низомга мувофиқ Марказ унга тезкор бошқариш учун берилган давлат мулки негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси ҳисобланади. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси унинг муассиси ҳисобланади. Марказ «Мулк-Инвест» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади. Қонун

2-бетда

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 24 (413) • 2013 йил 18 июнь

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

ҳужжатларида Давлат рақобат қўмитаси учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Марказнинг ходимларига татбиқ этилади.

Қуйидагилар Марказ фаолиятининг мақсадлари ҳисобланади:

эгалик қилиш ва фойдаланиш учун белгиланган тартибда унга берилган давлат активларини бошқаришнинг бозор механизмларига ўтиш;

давлат активларининг яхлитлигини, сақланишини ва ҳисоби юритилишини таъминлаш;

фаолиятнинг фавқулодда тури сифатида давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш;

хўжалик жамиятларида давлат вакиллари малакасини мунтазам равишда ошириш тизимини ташкил этиш;

ишончли бошқарувчиларнинг, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятининг сифатли мониторинги олиб борилишини ва таҳлил этилишини ташкил этиш;

республикада бошқарув хизматлари бозори шакллантирилишига кўмаклашиш.

Қарор Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини *(14.11.2012 йилдаги 322-сон)* бажариш юзасидан қабул қилинди.

## ҚОҒОЗ ВАРИАНТИДАН УЗОҚ САҚЛАНМАСИН

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 7.06.2013 йилда 1297-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга мувофиқ Низомнинг амал қилиши барча корхона, ташкилот ва муассасаларга татбиқ қилинади, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно.

Бирламчи ҳужжатлар ва регистрларни тузиш тартибига тузатиш киритилди – тегишли техник воситалар мавжуд бўлган ҳолларда уларни ахборот тизимлари хизматлари ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тузиш мумкин. Бундай ҳужжатлар, тегишли мажбурий реквизитлар мавжуд бўлганда, бухгалтерия ҳисобида қўлланилади. **Электрон ҳужжатлар сақланганда улардан фойдаланиш ва қоғозли ташувчидаги нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши шарт.**

Бирламчи ҳужжатлар реквизитлари кодлар кўринишида қайд этилиши мумкин. Бунда электрон бирламчи ҳужжат ва регистрлар ҳужжат тўғри тузилиши бўйича масъул шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши шарт. Низомга мазкур Низом ва электрон ҳужжатлар айланувиi тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бирламчи ҳужжатлар мажбурий реквизитларга эга бўлиши талаби киритилди.

Ўзгартиришларга кўра бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади. Бунда электрон шаклларни сақлаш муддати, башарти қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, **қоғозли ташувчидаги худди шу ҳужжат учун белгиланган** сақлаш муддатидан кам бўлмаслиги керак *(илгари Низомда белгиланганидек, бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланар эди)*.

Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг йўқотилиши ва камомадини ҳисобга олиш Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга *(МВ, ДСҚ, МАИМҚВнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* мувофиқ амалга оширилади, дея аниқлик киритилди *(илгари бу меъёрда ўз кучини йўқотган Низомга ҳавола келтирилган эди)*.

## ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ УСТИДАН АЛОҲИДА НАЗОРАТ

**ДСҚ, ДБҚ, Марказий банк Бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 12.06.2013 йилда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилди)* билан Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»нинг бугунги сони ҳужжатлар пакетида берилмоқда) (илгари амал қилган, АВ томонидан 4.10.2003 йилда 1281-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом ўз кучини йўқотди)*.**

Илгари амал қилган Низом билан солиштирганда эндиликда ДСҚга мижозлар томонидан амалга оширилган валюта операциялари тўғрисидаги ахборот нафақат бош ваколатли банкларга, балки хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган жойдаги уларнинг филиалларига тақдим этилади. Низом Имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар) рўйхати билан тўлдирилди.

Янги ҳужжатга мувофиқ тўлов миқдоридан қатъи назар *(илгари – шартнома қийматидан 15 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда эди)* резидентлар томонидан экспорт-импорт шартномаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганликлари ва етказиб бериш ёки тўлов муддатларига риоя қилмаганликлари учун контрагент-норезидентларга жарима тўланиши ҳолатида ахборот тақдим этилади.

Шунингдек тўлов миқдоридан қатъи назар резиде[illegible] томонидан кредит шартномаси (қарз шартномаси) бўйича норезидент фойдасига (халқаро молия институтлари ва чет эл банклари томонидан берилган кредит (қарз)лардан ташқари) тўловлар амалга оширилиши ҳақида банк ДСҚга ахборот тақдим этади *(илгари резидент томонидан норезидент фойдасига фоизлар ва бошқа қўшимча тўловлар жами йилига кредит (қарз) асосий суммасининг 20 фоизидан ошганда тақдим этилар эди)*. Норезидентларга улар юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялар, улушлар (пайлар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулкни реализация қилганликлари учун тўловлар амалга оширилиши, шунингдек жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварағига пул маблағлари ўтказмаси амалга оширилиши ҳолларида ҳам ахборот тақдим этилади.

Илгари бўлганидек, валюта операциялари тўғрисидаги маълумот ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар жўнатилади.

Божхона хизмати ҳудудий бошқармаларининг хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ хизмати ҳудудий бошқармаларига ва ДБҚга маълумотни тақдим этиш ҳолларига тузатиш киритилди. Эндиликда у шартномада белгиланган муддатларда товар келиб тушмаганда ёки маблағлар ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кундан ортиқ вақт ўтганда тақдим этилмайди. Қолган ҳолатлар ўзгаришсиз қолдирилди.

***Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.***


ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги хўжалик низолари, жиноий ишлар, дебиторлик қарзини ундириш*. Тел. (+998 90) 989-19-07.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

1С 7.7 Бухгалтерия ўрнатиш ва ўқитиш. Тел.: (+998 90) 326-89-92.

Объектларни қўриқлаш. Тел.: 542-17-65, 508-74-34.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.


## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 14.06.2013 | 1 | 0,7846 | 1 | 1,0474 | 1 | 0,0245 |
| Арманистон | 14.06.2013 | 1 | 413,43 | 1 | 550,52 | 1 | 12,98 |
| Беларусь | 11.06.2013 | 1 | 8690,00 | 1 | 11590,00 | 1 | 273,00 |
| Грузия | 17.06.2013 | 1 | 1,6527 | 1 | 2,2017 | 100 | 5,1967 |
| Қозоғистон | 17.06.2013 | 1 | 151,44 | 1 | 201,81 | 1 | 4,76 |
| Қирғизистон | 17.06.2013 | 1 | 48,4350 | 1 | 64,5493 | 1 | 1,5230 |
| Латвия | 18.06.2013 | 1 | 0,527000 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,016600 |
| Литва | 18.06.2013 | 1 | 2,5917 | 1 | 3,4528 | 1 | 0,081855 |
| Молдова | 17.06.2013 | 1 | 12,3786 | 1 | 16,4863 | 1 | 0,3891 |
| Россия | 15.06.2013 | 1 | 31,8029 | 1 | 42,4442 | – | – |
| Тожикистон | 17.06.2013 | 1 | 4,7620 | 1 | 6,2381 | 1 | 0,1475 |
| Украина | 17.06.2013 | 100 | 799,3000 | 100 | 1063,3088 | 10 | 2,5133 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 18 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2010,63 | 1 Польша злотийси | 657,18 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3282,40 | 1 СДР | 3187,10 |
| 1 Дания кронаси | 373,58 | 1 Туркия лираси | 1118,02 |
| 1 БАА дирҳами | 569,24 | 1 Швейцария франки | 2262,91 |
| 1 АҚШ доллари | 2090,70 | 1 ЕВРО | 2780,18 |
| 1 Миср фунти | 298,95 | 10 Жанубий Корея вони | 18,54 |
| 1 Исландия кронаси | 17,38 | 10 Япония иенаси | 220,58 |
| 1 Канада доллари | 2058,18 | 1 Россия рубли | 65,74 |
| 1 Хитой юани | 341,34 | 1 Украина гривнаси | 261,57 |
| 1 Малайзия ринггити | 667,32 | | |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган***

УШБУ СОНДА:


● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1–2-бетлар*
● КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Синовдан ўтмади
– Агар давлат органи ҳисобланмасангиз...
– Қишда чанғида учаман, ёзни дала ҳовлида ўтказаман
– Моддий жавобгар ходимлар учун тартиб битта *3-бет*
● ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ
– Отанинг бурчи тўғрисида суд эслатади
– Ота қизи билан кўришмоқчи бўлса...
– Таътилда бувимникига *4-бет*
● ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Идоравий-меъёрий ҳужжат
– ЎзР ДСҚ, ДБҚ, МББнинг «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2013 йил 8 июндан 14 июнгача бўлган маълумот.** *5-6-бетлар*
● НАЗОРАТ
– 2013 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали *7–8-бетлар*



# СИНОВДАН ЎТМАДИ

***Ходим ишга синов муддати билан қабул қилинди. Касаллик варақаси олиб ишга келмаслик, прогул, ишга кечикиб келиш, ўз ишини билмаслик кабилар синовнинг қониқарсиз натижалари деб қаралиши мумкинми? Ходимнинг бундай ҳаракатлари қандай қайд этилади?***

**И.Тулеев.**
**Тошкент шаҳри.**

– Ишга қабул қилиш чоғида синовдан ўтказишдан мақсад ходимнинг ишбилармонлик хислатларини текшириш (унинг топширилаётган ишга мувофиқлигини аниқлаш ҳамда меҳнат шартномаси билан тақозо этилган ишни давом эттириши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиши) ҳисобланади.

Чунончи, Меҳнат кодексининг 87-моддасига кўра, дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Синов натижаларининг қониқарсизлиги ходим унга топширилган вазифалар ва топшириқларни уддалай олмаганлигини англатади. Бинобарин, синов даврида унга топшириладиган барча вазифаларни ҳужжатли қайд этиш, уларни бажариш сифати ва муддатларини кузатиш лозим. Меҳнат шартномасини бундай асос билан бекор қилиш ходимлар тегишли вакиллик органининг фикрини ҳисобга олмасдан, шунингдек ишдан бўшатиш нафақасини тўламасдан амалга оширилади.

***Синов муддатидан ўтмаганлиги муносабати билан иш берувчи меҳнат муносабатларини бекор қилмоқчилиги тўғрисида огоҳлантирилган ходим синов муддати тугаганидан кейин ҳам ишлаш муддатини чўзиш учун, масалан, касаллик варақаси тақдим этган ҳолда, муайян ҳаракатлар қилиши мумкин. Огоҳлантириш муддатини (3 кун) пулли компенсация билан алмаштириб, у билан меҳнат муносабатларини дарҳол бекор қилса бўлмайдими?***

– Амалдаги қонун ҳужжатлари ҳозирча бундай имкониятни бермайди. Бироқ меҳнат ҳуқуқининг назарий ва амалий қоидалари ривожланган шароитда, фикримизча, синовнинг қониқарсиз натижаси масаласини тартибга солишда меҳнат ҳуқуқи муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъектлари сифатида ходим ва иш берувчининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

***Корхонамизда кадрлар бўлими бошлиғи таътилга чиқди. Бош бухгалтер қўшимча ҳақ эвазига унинг вазифаларини бажаришни хоҳлаяпти. Бу қонуний бўладими?***

**А.Тожиев, касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.**

# АГАР ДАВЛАТ ОРГАНИ ҲИСОБЛАНМАСАНГИЗ...

– Меҳнат қонунчилиги иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимнинг қўшимча ҳақ эвазига бошқа ишни бажаришини тақиқламайди.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг *(18.10.2012 йилдаги 297-сон)* 2-бандига кўра **давлат ва хўжалик бошқаруви органларида**, шу жумладан, ўриндошлик асосида бир вақтнинг ўзида иккита раҳбарлик лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.



Бундан ташқари, **бюджет ташкилотлари** ходимларинингбир неча касб ва лавозимда ишлаши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади *(Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг 21-банди)*.

Шу тариқа, **бош бухгалтерингиз, агар корхонангиз давлат ва хўжалик бошқаруви органи ёки бюджет ташкилоти ҳисобланмаса, ўз ишини ва кадрлар бўлими бошлиғининг вазифаларини бир вақтда бажариши мумкин.** Агар юқорида қайд этилган орган ёки ташкилот ҳисобланса, буни Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишиш лозим.



# ҚИШДА ЧАНҒИДА УЧАМАН, ЁЗНИ ДАЛА ҲОВЛИДА ЎТКАЗАМАН

***Янги ишхонамда ходимларга бирйўла 24 иш кунидан иборат таътил берилар экан. Бироқ мен қишда чанғида учиб, ҳордиқ чиқаришни яхши кўраман. Ёзда эса одатда вақтни дала ҳовлида ўтказаман. Шу сабабли мен учун таътилни икки қисмга – қишки ва ёзги қисмларга бўлиш қулай. Аввалги иш жойимда бундай имкониятим бор эди. Буни қонуний йўли билан қилиш мумкинми?***

**И.Гайназаров, ходимлар бўйича менежер.**

– «Норма маслаҳатчи» газетасининг 14.05.2013 йилдаги 19 (408)-сонида таътилни қисмларга бўлиб бериш тартиби тўғрисида «Таътил қисмларга бўлинса» тушунтириши чоп этилган эди.

**Меҳнат кодексининг 146-моддаси сизга таътилни қисмларга бўлиш имкониятини беради.** Ундан фойдаланиш учун бевосита иш берувчига мурожаат қилиб, у билан таътилдан фойдаланиш даврларини келишиш ва унга ёзма ариза беришингизни тавсия қиламиз. Бунда **таътилингизнинг бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.**

РЕКЛАМА

**“AMIR-AUDIT” МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти
*28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.*
*ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.*

**Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказади**

**Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз**
**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

Тел.: (+99890) **187-04-68,** (+99894) **644-62-23, 296-55-78;** факс (8371) **296-52-15**
058-09

# МОДДИЙ ЖАВОБГАР ХОДИМЛАР УЧУН ТАРТИБ БИТТА

***Биз товар бойликларига хизмат кўрсатадиган бўлинмада ишлаймиз, бу ерда жамоавий (бригада) моддий жавобгарлик жорий этилган.***

***Шанба куни, кечки муҳокамадан кейин, биз ишдан бўшашга қарор қилдик. Ҳаммамиз 2013 йил 1 июнь санасида рўйхатдан ўтказган ҳолда меҳнат муносабатларини бекор қилиш санасини кўрсатмасдан ўз хоҳишимиз билан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздик.***

***Душанба куни биз кадрлар бўлимига қўнғироқ қилиб, 15 июнь куни айни қайси соатда меҳнат дафтарчаларимизни олиш учун боришимиз кераклигини сўрадик. Бироқ инвентаризациялаш натижаларидан кейингина бизни қайси модда бўйича ишдан бўшатишлари маълум бўлади деб жавоб беришди.***

***Биз ишлаяпмиз, бироқ инвентаризациялаш ҳали бошланмади. Қандай йўл тутайлик?***

**Галина, Настя ва Светлана.**
**Тошкент шаҳри.**

– Амалдаги Меҳнат кодекси *(МК)* иш берувчиларга бирор-бир асосларга кўра ходимларни ишдан бўшатишни орқага суриб, бунда иш ҳақи ва якуний ҳисоб-китоб пулини тўламаслик ҳамда меҳнат дафтарчаларини бермаслик ҳуқуқини бермайди, чунки **қонун ҳужжатларида моддий жавобгар шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг алоҳида тартиби назарда тутилмаган.**

МКнинг 107 ва 108-моддаларига мувофиқ **меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши (сизнинг ҳолатда – 2013 йил 15 июнь) ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.**

Иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади (масалан, моддий жавобгар ходимни бириктирилган анжомларни вақтида топширмаганлиги учун баҳона қилиб меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса). Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни деб меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаган кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида илгари киритилган ёзув, Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг *(АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2.18-бандида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Иш берувчи томонидан ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда сиз меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қиладиган Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ёки прокуратурага мурожаат қилишга ҳақлисиз. Текшириш давомида бундай ҳуқуқбузарликлар аниқланганда **иш берувчи** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида назарда тутилган, **ҳуқуқларингизни тиклаган ҳолда, энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорни ташкил этадиган жарима тарзида жавобгарликка тортилиши мумкин.**



***«Кадрлар бўлими» рукнини эксперт-юристимиз Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ олиб боради.***

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 24 (413) ● 2013 йил 18 июнь

# ОТАНИНГ БУРЧИ ТЎҒРИСИДА СУД ЭСЛАТАДИ

***Мен турмуш ўртоғим билан расмий никоҳдаман. Бизнинг вояга етмаган икки нафар фарзандимиз бор. Ҳозирда турмуш ўртоғим бошқа тумандаги ота-онасиникида яшайди, болаларимизни тарбиялаш ва боқишда менга ёрдам бермаяпти. Мен ундан алимент олишга ҳақлиманми, бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?***

**Севара Ж.**
**Сурхондарё вилояти.**

**– Ҳа, сиз турмуш ўртоғингиздан биргаликдаги (фарзандликка олинган) вояга етмаган болаларингизни боқишга, улар вояга етгунга қадар, алимент олишга ҳақлисиз.**

Оила кодексининг *(ОК)* 96-моддасига мувофиқ ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан **суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан** алимент ундирилади. Бунга ҳуқуқи бўлган шахс судга, талаб қилиш ҳуқуқи юзага келган пайтдан бери қанча муддат ўтганидан қатъи назар, исталган вақтда алимент ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

**Агар вояга етмаган болаларга алимент ундириш талаби оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаса, суд буйруғи чиқарилади.**

Алимент ундириш тўғрисидаги аризани сиз турмуш ўртоғингизнинг яшаш жойидаги ёки ўзингизнинг яшаш жойингиздаги судга беришингиз мумкин. Унда қуйидагилар кўрсатилиши керак: ариза берилаётган суднинг номи; сизнинг ва турмуш ўртоғингизнинг (қарздорнинг) фамилиянгиз, исми-шарифингиз (ФИШ) ва яшаш жойингиз; талабларингиз ва улар учун асос бўлган ҳолатлар. Аризага: паспортингиз, никоҳ гувоҳномангиз, болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари, сизнинг ва турмуш ўртоғингизнинг яшаш жойидан маълумотномаларни илова қилиш лозим.

Вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан отанинг (эрнинг) ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми, икки бола учун – учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак *(ОКнинг 99-моддаси)*. Алимент судга мурожаат қилинган пайтдан бошлаб ундирилади. Суд буйруғини чиқариш таомили соддалаштирилган – суд муҳокамаси ўтказилмайди ва тарафлар чақирилмайди.

Арз қилинган талабнинг моҳияти бўйича суд буйруғини судья ариза судга келиб тушган кундан бошлаб 3 кун мобайнида чиқаради. У чиқарилгандан кейин судья дарҳол буйруқ нусхасини қарздорга юборади. У суд буйруғининг нусхаси олинган кундан бошлаб 10 кун ичида арз қилинган талабга қарши эътирозларини судга юборишга ҳақлидир.

Агар белгиланган муддатда у келиб тушмаса, судья ундирувчига суднинг муҳри билан тасдиқланган буйруқни ижрога тақдим этиш учун беради. Ундирувчининг илтимосига кўра суднинг ўзи суд буйруғини ижро учун юбориши мумкин.

Қарздордан давлат божини ундириш учун суд буйруғининг суд муҳри билан тасдиқланган алоҳида нусхаси бевосита суд томонидан ижро этиш учун юборилади.

***Оилавий турмушимиз завол топганлиги туфайли мен аёлимдан алоҳида яшаяпман. Вояга етмаган қизим ҳам онаси билан бирга яшаяпти. Мен боланинг онаси билан яшашига қарши эмасман, қизимни боқиш ва ўқитишга мунтазам равишда етарлича пул бераман. Бироқ қизимни кўриб туришни хоҳлайман. Аёлим эса бунга рухсат бермаяпти.***

***Мен қандай қилиб қонуний асосда қизим билан кўришиб туриш ва уни тарбиялашда иштирок этиш имкониятига эга бўлишим мумкин?***

**Г.Б., ўқитувчи. Андижон шаҳри.**

# ОТА ҚИЗИ БИЛАН КЎРИШМОҚЧИ БЎЛСА...

– Оила кодексининг 11-бобига кўра ҳар бир бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

**Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга.** Ота-оналар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари).

**Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.** Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга (буви-боболар, хола-тоғалар, амма-амакилар, ака-ука – опа-сингиллар, қўшнилар, ўқитувчилар, ижтимоий ходимлар ва бошқалар) нисбатан устун ҳуқуққа эга.

**Боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.**

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишга, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак.

Собиқ эр-хотин боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар улар келиша олмасалар, **низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан** васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота (она)га нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Боладан алоҳида яшаётган ота (она) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин. Ахборот беришнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Қизингиз билан кўришиш учун сиз аёлингизнинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича судга вояга етмаган қизингиз билан кўришиш тартиби ва унинг вақтини белгилаш тўғрисида даъво аризаси топширишингиз ва энг кам иш ҳақининг ярмига тенг миқдорда давлат божи тўлашингиз керак. Суд боланинг манфаатлари ва ёшини ҳисобга олиб, тегишли қарор чиқаради. Даъво қондирилганда суд ҳафтада қизингиз билан кўриша оладиган кунларнинг вақти ва аниқ сонини кўрсатади.

***Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.***

**ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**

# ТАЪТИЛДА БУВИМНИКИГА

***Тошкентда туғилган неварам 2002 йилда 6 яшарлигида ота-онаси билан Россияга, доимий яшаш жойига кўчиб кетди. Отаси ўша вақтда Россия фуқароси эди. Ҳозир неварам 17 ёшда, у РФ фуқароси, ички ва хорижий паспортларга эга. Бу йил ёзда Тошкентга таътилга келмоқчи.***

***Ўзбекистонга кириш учун у қандай ҳужжатларга эга бўлиши керак?***

***У Россия фуқаролигини олишда Ўзбекистон фуқаролигидан бош тортиши лозим эдими? Фуқароликдан бош тортмаганлиги боланинг Ўзбекистонга киришига тўсқинлик қилиши мумкинми?***

***Россия фуқаролигини олиш пайтида у 11 яшар эди. Унинг ота-онаси ҳозирги пайтда ажрашишган. Россиянинг қонун ҳужжатларига кўра боланинг ёзги дам олишга кетиши учун бундай вазиятда ота-онасидан бирининг рухсати етарлидир. Бу Ўзбекистонга кириш ва ундан қайтиш учун етарли бўладими?***

**И.Г.**

– «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг *(2.07.1992 йилдаги 632-XII-сон)* 22-моддасига кўра ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Баён этилганларга келсак, Ўзбекистон фуқаросининг Россия Федерациясида яшайдиган невараси республикага Россия Федерациясида берилган хорижий паспорт асосида келиши мумкин. Республикага келгандан кейин у 3 сутка ичида хорижий паспортни кўрсатган ҳолда бувисининг яшаш жойидаги кетиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасида рўйхатдан ўтиши лозим *(ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари II бўлими)*.

***Санжар ХЎЖААҲМЕДОВ,***
***экспертимиз.***

**ЭЪЛОН**

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 24.04.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| № | СТИР | Корхона номи | Хўжалик суди қарори рақами ва санаси | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 301540815 | SAHAN FOODS MCHJ | 10-1307/5913 | 24.04.2013 |
| 2 | 301930567 | MEGASTEP GROUP MCHJ | 10-1307/5869 | 24.04.2013 |
| 3 | 302268534 | VSEZNAYKA MCHJ | 10-1307/5860 | 24.04.2013 |
| 4 | 301411215 | BEK-AVTOTUNING XK | 10-1307/5898 | 24.04.2013 |
| 5 | 301125887 | DURDONA-FAIZ SERVIS MCHJ | 10-1307/5920 | 24.04.2013 |
| 6 | 300438538 | PAN-STROYSERVIS XK | 10-1307/5906 | 24.04.2013 |
| 7 | 301173758 | SANGARDAK-ZIYO XK | 10-1307/5921 | 24.04.2013 |
| 8 | 300668061 | AZIYA-SERVIS-AVTOMAT XK | 10-1307/5897 | 24.04.2013 |
| 9 | 203335595 | YUNFARKAM МЧЖ | 10-1307/5884 | 24.04.2013 |
| 10 | 207110399 | UCHQUN FARM МЧЖ | 10-1307/5867 | 24.04.2013 |
| 11 | 301882650 | SHAMSIDDIN TAYORLOV SAVDO MCHJ | 10-1307/5868 | 24.04.2013 |
| 12 | 201453561 | TRIUMF МЧЖ | 10-1307/5895 | 24.04.2013 |
| 13 | 206720376 | NODIRA-BIZNES-SAVDO XK | 10-1307/5905 | 24.04.2013 |
| 14 | 301579346 | MIRESSO MCHJ | 10-1307/5883 | 24.04.2013 |
| 15 | 202899021 | SAVDO-OLIM М.Ч.Ж. | 10-1307/5908 | 24.04.2013 |
| 16 | 203297525 | SAREMA Х.Ф. | 10-1307/5889 | 24.04.2013 |
| 17 | 300756277 | QORABOG SERVIS PLUS MCHJ | 10-1307/5888 | 24.04.2013 |
| 18 | 302002865 | OLIMBOY BAXT QUSHI MCHJ | 10-1303/5916 | 24.04.2013 |
| 19 | 301628291 | BATTA TRADE MCHJ | 10-1307/5864 | 24.04.2013 |
| 20 | 302081341 | SARDORBEK BAXROM МЧЖ | 10-1307/5870 | 24.04.2013 |
| 21 | 301612344 | ZILOL BARAKA BIZNES MCHJ | 10-1307/5865 | 24.04.2013 |
| 22 | 204528354 | FAZILAT ZIYNATI ШК | 10-1307/5876 | 24.04.2013 |
| 23 | 302252714 | ZULHUMOR OMAD BARAKA MCHJ | 10-1307/5877 | 24.04.2013 |
| 24 | 302131104 | MORSE GROUP MCHJ | 10-1307/5871 | 24.04.2013 |
| 25 | 202061844 | EL-SATURN МЧЖ | 10-1307/5872 | 24.04.2013 |
| 26 | 201125423 | SHAHLO-RUSTAM ЧФ | 10-1307/5894 | 24.04.2013 |
| 27 | 201968649 | MONIK МЧЖ | 10-1307/5893 | 24.04.2013 |
| 28 | 300162899 | NABIYA-SERVIS XK | 10-1307/5907 | 24.04.2013 |
| 29 | 300996651 | FUNOON GOSTAR MCHJ | 10-1307/5919 | 24.04.2013 |
| 30 | 301995257 | PAMADUR-FOOD MCHJ | 10-1307/5861 | 24.04.2013 |
| 31 | 206956145 | MC SERVIS LUX MCHJ | 10-1307/5878 | 24.04.2013 |
| 32 | 203401750 | ILM VA ZIYO УП | 10-1307/5879 | 24.04.2013 |
| 33 | 200652085 | UL-AL-BARAKAT ХФ | 10-1307/5875 | 24.04.2013 |
| 34 | 200984131 | AZIKS МЧЖ | 10-1307/5862 | 24.04.2013 |
| 35 | 301583818 | BRUS-QURILISH-INVEST MCHJ | 10-1307/5863 | 24.04.2013 |
| 36 | 202960643 | YUV-QURILISH ИЧКК МЧЖ | 10-1307/5900 | 24.04.2013 |
| 37 | 205241317 | DILFUZA-TREED XK | 10-1307/5903 | 24.04.2013 |
| 38 | 300429785 | MALIUS EKSKLUZIVE TRADE MCHJ | 10-1307/5891 | 24.04.2013 |
| 39 | 301721984 | YOSH UCHLIK QURUVCHI | 10-1307/5866 | 24.04.2013 |
| 40 | 300525176 | MEVASABZAVOT-TAYORLASH LYUKS M | 10-1307/5896 | 24.04.2013 |
| 41 | 301033432 | BRILLIANTTEXTILE XK | 10-1307/5885 | 24.04.2013 |
| 42 | 204008898 | NUR-GLOBAL ШК | 10-1307/5890 | 24.04.2013 |
| 43 | 202569732 | SHARQ-BARAKA МЧЖ | 10-1307/5899 | 24.04.2013 |
| 44 | 205102891 | GLOBAL MODELS ARTS XK | 10-1307/5902 | 24.04.2013 |
| 45 | 207042214 | SHERATON-TASHKENT МЕҲМОНХОНАСИ | 10-1307/5880 | 24.04.2013 |
| 46 | 204382926 | ORZU-TAOM-SAVDO МЧЖ | 10-1307/5901 | 24.04.2013 |

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ
– ЎзР ДСҚ, ДБҚ, МББнинг «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
• **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 8 ИЮНДАН 14 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ,
МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИНГ АСОСЛАНГАНЛИГИ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди. Рўйхат рақами 2467***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 17 июндаги 24 (576)-сон, 319-модда)*

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 129-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 12 сентябрдаги 2003-67, 01-02/19-36, 240-В-сон «Юридик шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1281, 2003 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 19-20-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 22 июлдаги 2004-52, 01-02/19-30, 240-В-1-сон «Юридик шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1281-1, 2004 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 31-сон, 360-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-45, 01-02/19-58, 240-В-2-сон «Юридик шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1281-2, 2008 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 534-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 9 декабрдаги 2009-32, 01-02/19-29, 240-В-3-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартибі тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1281-3, 2009 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 584-модда).

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2013-7-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***З.ДУСАНОВ.***
*01-02/19-22-сон*

***Марказий банк раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*7/4-сон*

*Тошкент ш., 2013 йил 5 апрель.*

*ЎзР ДСҚ, ДБҚ ва МББнинг*
*2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22, 7/4-сон қарорига*
*ИЛОВА*

# ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИНГ АСОСЛАНГАНЛИГИ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 129-модда) мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишини мониторинг қилиш ва пул маблағларининг хорижга асоссиз ўтказилиши аломатларини аниқлаш тартибини белгилайди.

## I. МАЪЛУМОТ ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Ваколатли банкларнинг филиаллари мижозлар томонидан амалга оширилган қуйида кўрсатилган ҳар қандай аломатга эга бўлган валюта операциялари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек бош ваколатли банкка тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда маълумотларни ошкор этиш ва беришни назарда тутмайдиган давлат ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудларда) рўйхатдан ўтган, шунингдек норезидентларнинг оффшор ҳудудларда жойлашган банклардаги ҳисобварақларига шартнома (контракт) бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) импорти юзасидан тўлов амалга оширилиши (мазкур Низомнинг 2-иловасидаги* шакл бўйича);

б) резидентлар томонидан экспорт-импорт шартномаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганликлари ва етказиб бериш ёки тўлов муддатларига риоя қилмаганликлари учун контрагент-норезидентларга жарима тўланиши (мазкур Низомнинг 2-иловасидаги* шакл бўйича);

в) импорт шартномалари бўйича ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, роялти бўйича тўлов, шунингдек чет эл таъсисчиларига дивидендларни ўтказиб бериш ёки фойдани репатриация қилиш юзасидан тўлов амалга оширилиши (мазкур Низомнинг 3-иловасидаги* шакл бўйича);

г) норезидентларга улар юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялар, улушлар (пайлар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўчмас мулкни реализация қилганликлари учун тўловлар амалга оширилиши (мазкур Низомнинг 3а-иловасидаги* шакл бўйича);

д) резидент томонидан кредит шартномаси (қарз шартномаси) бўйича норезидент фойдасига (халқаро молия институтлари ва чет эл банклари томонидан берилган кредит (қарз)лардан ташқари) тўловлар амалга оширилиши (мазкур Низомнинг 3б-иловасидаги* шакл бўйича);

е) жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисобварағига пул маблағлари ўтказмаси, агар бир календарь йили давомида ўтказма суммасининг эквиваленти 10 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлса (мазкур Низомнинг 4-иловасидаги* шакл бўйича);

ж) чет элдан жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикаси резидентининг ҳисобварағига хорижий юридик шахслардан пул маблағларининг келиб тушиши (мазкур Низомнинг 4-иловасидаги* шакл бўйича).

2. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган валюта операциялари тўғрисидаги маълумот ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ушбу Низомнинг 2—4-иловаларига* мувофиқ шаклларда (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) йил бошидан ўсиб бориш тартибида жўнатилади.

Ваколатли банкларнинг филиаллари мижозларнинг ташқи савдо шартномалари бўйича вужудга келган муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги тўғрисидаги маълумотни ҳам тақдим этадилар.

3. Бош ваколатли банклар ўзларининг филиалларидан келиб тушган маълумотларни умумлаштиради ва ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар, алоқа каналлари орқали йиғма маълумотларни электрон кўринишда мазкур Низомнинг 2—4-иловаларига* мувофиқ шаклларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига йил бошидан ўсиб бориш тартибида жўнатадилар.

4. Давлат божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган

**2—7-иловалар берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва **www.norma.uz** сайтида танишиш мумкин.*

жойдаги давлат солиқ хизмати органларининг ҳудудий бошқармаларига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига қуйидаги фактлар аниқланган тақдирда маълумотни мазкур Низомнинг 5*—7-иловаларига* мувофиқ шаклларда (шу жумладан, алоқа каналлари орқали электрон кўринишда) тақдим этадилар:

олиб кирилаётган товарларни божхонада расмийлаштиришда товарнинг фактура қийматини унинг экспортёр мамлакатида қайд этилган қийматидан асоссиз равишда юқорироқ кўрсатиш мақсадида давлат божхона хизмати органларига ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда (тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда);

шартнома бўйича контрагент бўлмаган товар етказиб берувчилар томонидан товар етказиб берилганлик фактлари аниқланганда;

олдиндан тўловсиз, аккредитив очилмасдан, харидор банкининг кафолатисиз ёки экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси расмийлаштирилмасдан товарлар экспорт қилинганда.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар, кўрсатилган фактлар юзасидан йиғма маълумотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мазкур Низомнинг 5—7-иловаларига* мувофиқ шаклларда алоқа каналлари орқали электрон кўринишда жўнатади.

## II. МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ

6. Давлат солиқ хизмати органлари ваколатли банклар ва давлат божхона хизмати органларидан олинган маълумотни таҳлил қилади ва валюта операцияларини (экспорт-импорт операциялари, маблағларни ўтказиш ва шу каби) амалга ошириш тартиби бузилганлик белгилари аниқланганда, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларига мазкур шартномани тузган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишдан ўтказиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун талабнома билан мурожаат қилади.

7. Текшириш ва камерал назорати натижалари бўйича ҳуқуқбузарлик фактлари содир этилганлиги тасдиқланганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилади ва текшириш материаллари қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Ўтказилаётган текширишлар ва камерал назорати жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда Давлат солиқ хизмати органлари бу ҳақда уч кун муддат ичида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига хабар беради.

8. Давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларининг ҳамда ваколатли банкларнинг мансабдор шахслари валюта операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назоратни лозим даражада таъминламаганликлари, мазкур Низом талабларини бажармаганликлари, тижорат ва банк сирини ошкор этганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## III. ЯКУНИЙ ҚОИДА

9. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти билан келишилган.

*Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомга*
*1-ИЛОВА*

## ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚ РЕЖИМИ БЕРИЛАДИГАН ВА (ЁКИ) МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНДА ОШКОР ЭТИШ ВА АХБОРОТ БЕРИШ НАЗАРДА ТУТИЛМАЙДИГАН ДАВЛАТ ВА ҲУДУДЛАР (ОФФШОР ҲУДУДЛАР) РЎЙХАТИ

1. Андорра князлиги.
2. Антигуа ва Барбуда.
3. Багама ороллари ҳамдўстлиги.
4. Барбадос.
5. Баҳрайн давлати.
6. Белиз.
7. Бруней-Доруссалом давлати.
8. Вануату Республикаси.
9. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма қироллигига тобе ҳудудлар:

Ангилья;

Бермуд ороллари;

Британия Виргиния ороллари;

Монтсеррат;

Гибралтар;

Ҳинд океанидаги Британия ҳудуди (Чагос ороллари);

Жанубий Георгия ва Жанубий Сандвичев ороллари;

Теркс ва Кайкос;

Кайман ороллари.

10. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллигининг алоҳида маъмурий бирликлари:

Норманд ороллари (Гериси, Джерси, Сарк ороллари);

Мэн ороли.

11. Гренада.
12. Джибути Республикаси.
13. Доминикана Республикаси.
14. Ирландия (Дублин, Шеннон).
15. Кипр Республикаси.
16. Хитой Халқ Республикаси:

Сянган (Гонконг);

Аомынь (Макао).
17. Коста-Рика Республикаси.
18. Кук ороллари (Янги Зеландия).
19. Либерия Республикаси.
20. Ливан Республикаси.
21. Лихтенштейн князлиги.
22. Люксембург Буюк Герцоглиги.
23. Маврикий Республикаси.
24. Малайзия (Лабуан ороли).
25. Мальдив Республикаси.
26. Мальта Республикаси.
27. Маршалл Ороллари Республикаси.
28. Науру Республикаси.
29. Нидерландия Антил ороллари.
30. Ниуэ (Янги Зеландия).
31. Бирлашган Араб Амирлиги (Дубай).
32. Панама Республикаси.
33. Португалия Республикаси (Мадейра ороли).
34. Самоа Мустақил Давлати.
35. Сейшель ороллари Республикаси.
36. Сент-Кигс ва Невис Федерацияси.
37. Сент-Люсия.
38. Сент-Винсент ва Гренадин.
39. АҚШ:
АҚШ Виргиния ороллари;
Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги;
Вайоминг штати;
Делавэр штати.
40. Тонга Қироллиги.
41. Фиджи Суверен Демократик Республикаси.
42. Франция Республикаси:
Кергелен ороли;
Француз Полинезияси.
43. Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси.
44. Швейцария Конфедерацияси:
Женева кантони;
Нешеталь (Невшаталь) кантони;
Фрибург кантони;
Цуг кантони.
45. Ямайка.
46. Палау Республикаси (Тинч океани).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 8 ИЮНДАН 14 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 8 майдаги 55-сонли буйруғи.*

***2013 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 354-1.***

2. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22, 7/4-сонли қарори.*

***2013 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467.***

3. «Дарё транспортида юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 26 апрелдаги 76-сонли буйруғи.*

***2013 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2468.***

4. «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 30 майдаги 55-сонли буйруғи.*

***2013 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1032-3.***

5. «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 11 майдаги 98-сонли буйруғи.*

***2013 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2469.***

6. «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 5, 11, 4, 50, 33, 01-02/5-5, 22-мҳ-сонли қарори.*

***2013 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024-1.***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «Юридик шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом», 1—3-сон ўзгартиришлар *(рўйхат рақами 1281, 2003 йил 4 октябрь), (рўйхат рақами 1281-1, 2004 йил 4 август), (рўйхат рақами 1281-2, 2008 йил 23 декабрь), (рўйхат рақами 1281-3, 2009 йил 30 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 12 июндаги 169-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

